Узбекистон Республикаси согликни саклаш вазирлиги.
Олий ва урта тиббий таълим буйича укув услуб идораси .
Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти

# Тиш каторларининг иккиламчи кисман нуксонларини куприксимон протезлар ёрдамида ортопедик даволаш

( Тиббиёт институти стоматология факультети талабалари учун укув - услубий кулланма)

ТОШКЕНТ – 2001 йил

Узбекистон Республикаси согликни саклаш вазирлиги.
Олий ва урта тиббий таълим буйича укув услуб идораси .
Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти

**«ТАСДИКЛАЙМАН»**
Ўзбекистон Республикаси Согликни
Саклаш Вазирлиги Кадрлар, Илм-Фан
ва Ўкув юртлар бош бошкармаси
Бошлиги, проф.Ф.А.АКИЛОВ
«___»________2001 й.

# Тиш каторларининг иккиламчи кисман нуксонларини куприксимон протезлар ёрдамида ортопедик даволаш

(Тиббиёт институти стоматология факультети талабалари учун укув - услубий кулланма)

ТОШКЕНТ – 2001 йил

1

Тузувчилар: т.ф.н.,асс.РАХМАТУЛЛАЕВ Ф.Т.
т.ф.н.,доцент НИГМАТОВ Р.Н.
(1-ТошДавМИ нинг ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси)

Рецензентлар: т.ф.д.,проф.БЕКМЕТОВ М.В.
(1-ТошДавМИ, умумий стоматолог шифокор ортопедик стоматология кафедраси мудири)

т.ф.н.,доцент ТИЛЛАХУЖАЕВ С.Р.
( Тошкент Давлат шафокорлар малакасини ошириш институти , ортопедик стоматология кафедраси мудири).

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**СОГЛИКНИ САКЛАШ ВАЗИРЛИГИ**
**БИРИНЧИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

***Ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси***

# ОРТОПЕДИК СТОМАТОЛОГИЯДАН АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР УЧУН УСЛУБИЙ КУЛЛАНМА

***Мавзу: «ТИШ КАТОРЛАРИНИНГ ИККИЛАМЧИ КИСМАН НУКСОНЛАРИНИ КУПРИКСИМОН ПРОТЕЗЛАР ЁРДАМИДА ТИКЛАШ».***

**Тошкент – 2000**



***МАВЗУ:*** **«Тиш каторларини кисман нуксонлари (кисман иккиламчи адентия). Клиник текшириш асослари тиш каторларини нуксонларини таснифи. Куприксимон протезларни куллаш асослари. Клиник-лаборатор боскичлари».**

**УКУВ МАКСАДИ**: Тиш каторларини нуксонларини касалларда текширишни урганиш, ташхис максадлари ва куприксимон протезларни турларини танлаш. Куприксимон протезларни клиник лаборатор боскичларини урганиш.

**ТАРБИЯВИЙ МАКСАДИ**: Тиш каторларида нуксонлари булган беморларни текшириш билан, врач этикаси ва деонтологиясини ошириш ва давлат амалий согликни саклаш сохасида юкори ихтисослашган врач ортопед стоматологни тайёрлаш.

**ДАРСЛИКНИ УМУМИЙ ДАВОМИЙЛИГИ**: 3 соат.

**УТКАЗИШ ЖОЙИ**: клиник база, протезлаш лабораторияси.



## Амалий машгулотлар режаси

| № | Машгулотлар боскичлари | Техник укитиш воситалари | | Вакт |
|---|---|---|---|---|
| | | Асбоб-ускуналар | Укув-воситалари | |
| 1. | Укитувчи курсатмалари | | Талабалар кундалиги. Дарсликлар | 5 мин. |
| 2. | Аввал ўтилган мавзу буйича билим даражасини аниклаш. | Диапроектор | Услубий Кулланма. Слайдлар Рентгенограмма-лар | 25 мин. |
| 3. | Беморларни ассистент томонидан куриш ва сўроклаш. | Бор машина Кресло Тиббий асбоб-ускуналар | Услубий кулланма Рентгенограмма Слайдлар | 40 мин. |
| 4. | Беморларни куриб ва сuроклашдан сунг уларни мухокама килиш. | Бор машина Кресло асбоб-ускуналар | Беморлар Касаллик тарихи Рентгенограм-малар. Вазият масалалари | 40 мин. |
| 5. | Узлаштириш натижаларини текшириш. | | - Услубий кул-ланма. Вазият масалалари | 20 мин. |
| 6. | Кейинги машгулотларга топширик, | Режа | - Дастур<br>- Услубий кул-ланма<br>- Саволлар | 5 мин. |

**Аввал у гилган мавзу буйича охириги билим даражасини текшириш учун саволлар.**

1. Тиш тож кисми нуксонларига олиб келадиган сабаблар
2. Тиш каттик тукимаси нуксонлари булган беморларни текшириш.
3. Металл копламаларини зэиш усулида тайёрлашни клиник-лаборатор боскичлари.
4. Артикуляция, окклюзия ва прикус хакида тушунчалар.

## Чизма: «ТИШ КАТОРЛАРИ НУКСОНЛАРИНИНГ ТАСНИФИ»

**КЕННЕДИ БЎЙИЧА ГУРУХЛАРГА БУЛИНИШ ТАСНИФИ**

1. Тиш каторларининг охирини икки томонлама чегараланмаган нуксони
2. Тиш каторларининг охирини бир томонлама чегараланмаган нуксони
3. Тиш каторларининг икки ёки бир томонлама чегараланган нуксони
4. Тиш каторларининг Фронтал кисмидаги нуксонлари

**Е.И.ГОВРИЛОВА БУЙИЧА ГУРУХЛАРГА БУЛИНИШ ТАСНИФИ**

1. Тиш католрларининг икки ёки бир тарафлама чегараланмаган нуксонлари
2. Тиш каторлари чегараланган нуксонлари (бир томонлама, икки томонлама ва фронтал кисмида)
3. Аралаш нуксонлар
4. Битта тиши сакланган жаглар нуксони



## Чизма: «КЛИНИК ТЕКШИРУВЛАР»

**СУРОВ**

**ШИКОЯТЛАРИ КАСАЛЛИКНИНГ СУБЪЕКТИВ ХОЛАТИ**

Юз-жаг сохаси нуксонлари, чайнашни ёки косметик, ошкозон ичак трактининг ишини етишмовчилигига.

**КАСАЛЛИКНИНГ ХАЁТИЙ АНАМНЕЗИ**

- касалнинг хаёти ва яшаши.
- зарарли одатлар.
- утказган касалликлари.
- иш шароити, касби
- овкатланиш.

**ОИЛАВИЙ АНАМНЕЗ**

- беморни яшаш шароити.
- юз-жаг системаси. аномалиялари, наслий касалликлари.

**ШУ КАСАЛЛИКНИНГ АНАМНЕЗИ**

Касалликнинг бошлангич куриниши унинг кечиши, жараёнининг характери: эски тишларни йукотиш, жараёнининг кучайиши, тишнинг тушишига сабаби (касалнинг гапи буйича), тиш тушиши билан ёки уни касалликларидан кейин касалнинг огиз бушлигида узгаришлар (чайнашнинг етишмовчилиги, милкдаги атрофия, тилда ёмон хис килиш, таъм билишни бузилиши, яллигланиш жараёнлари, шиллик каватни травматик тишлаш). Утказилган даволаш ишларини характери куриниши ва хажми, даволаш ва унинг натижаси. Огиз бушлигини парваришлаш. Стоматологик ёрдамга мурожаат килиш тезлиги.



## «КЛИНИК ТЕКШИРУВЛАРНИНГ УЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ» мавзусига асосланган мулжалли харакат кетма-кетлиги баёни

| Боскичлар | Ишлаш учун воситалар | Назорат учун мезонлар |
|---|---|---|
| 1) беморнинг ташки куриниши | Врач стоматологнинг ишлаш жойи -идиш<br>- кискич<br>- зонд<br>- ушлагичли ойна | Беморнинг боши бироз оркага ва бош куйгичга куйилган. Беморнинг огиз бушлиги, врачни кул бугими букилганда кафтига тугри келиши керак. Яъни елка баландлигида булади. Диккат билан беморни урганамиз, уз эътиборимизни юзига каратиб, огизнинг катта-кичиклигига, мимика мускуллари харакатига, сузлашда, кулганда тишларининг куринадиган кисмларига, тишларни рангига ва холатига, сузлаш нуткига, юзини симметриясига эътибор бериш лозим. Юзнинг пастки 1/3 асосининг баладлигига, энгакнинг олдинги чикканлигига, лабларнинг ёпилиш чизигига карайми. Нормада юкори лабда урта чизигида думбоклик мавжуд, шунга нисбатан пастки лабда чукурча бор. Огиз ёригининг узунлиги хаммада алохида булиб, куп холларда огиз бурчаги козик тишлар сохасида жойлашгандир. Кулганда премолярлар куриниб туради. |
| 2) Огиз бушлигини текшириш | Идиш билан<br>- зонд<br>- кискич<br>- ойна | Беморнинг бошини шундай куйиш керакки, унинг боши ёругликга тугри келсин. Ёруглантириш асосан стоматологик мосламаси рефлектор ва огиз ойначалари билан ёритилади. Текширувда зонд ва огиз ойначаси ишлатилади. |
| 3) Огиз очилишини аниклаш | | Олдин огиз очилиши улчами аникланади, огиз очилишининг кийинлашиши асосан огиз бушлигини кичрайиши, мускуллари ва бугим |



| | | |
|---|---|---|
| | | контрактураларида булиши мумкин. |
| 4) Бугим бошчасининг холати-ни аниклаш | | Урта ва курсаткич бармокларни чакка пастки жаг бугими сохасига куйиб беморлардан огизни очиб ёпиш суралади. Бугимда товуш ёки кирсиллаш бор-йуклиги аникланади. |
| 5) Огиз бушлиги ни текшириш | Стоматологик ойна | Огиз бушлигини курилганда: шиллик кавати, альвеоляр усимтани каттик ва юмшок танглайни огиз туби, тил, бодом безлари ва юткуннинг орка кисми текширилади. Асосан шиллик каватнинг хуллигига, рангига, каттиклигига, конаш даражасига, таъсуротларга сезувчанлигига эътибор берилади. Патологик милк чунтакларига, тиш тошларини тупланишларига алохида ахамият берилади. |
| 6) Алохида тишларни текшириш | Стоматологик<br>- ойна<br>- зонд<br>- кискич | Олдин тиш каторлари текширилади, аввал пастки жагдан моляр тишлардан бошлаб чапдан унгга караб, кейин эса юкори жагдан чапдан унгга караб курилади. Олинган маълумотлардан тиш холати чизмаси тузилади. Прикуснинг тури аникланади. Илдиздаги тукималарнинг холати, тишларнинг ранги, жойлашув холати, шакли, харакатчанлиги аникланади. Тишларнинг ранги хар хил булиши мумкин: ок сутлидан то кора жигаррангача булиши мумкин. |
| 7) Пародонтнинг холатини аниклаш | Стоматологик ойнача ва зонд | Зонднинг туткичи билан тишларни уриб курилади (перкуссияси), бунда ойнача билан юмшок тукималар тортиб турилади. Сог парадонт тукимаси перкуссияда огриксиз, агар яллигланиш булса огрикли булади. Тишларнинг харакатчанлигини олдини олиш мумкин, агар тиш катакчаси ва периодонт тукимаси сак- |

| | | |
|---|---|---|
| | | ланган булса. Тишнинг илдиз учи периодонт холатини аниклаш учун вертикал ёки горизонтал перкуссиясини утказиш лозим. |
| 8) Тишларнинг мустахкамлигини аниклаш (харакатини) | Ойнача, пинцет | Энтин буйича тиш харакатчанлиги туртта даражага булинади:<br>1. Вестибуляр орал йуналишида<br>2. Вестибуляр орал, медио-дистал йуналишида<br>3. Вертикал йуналишида + 1,2<br>4. Айлана харакатли йуналишда + 1,23<br>Таянч тишларнинг илдиз кисмини ва унинг атроф тукималарини холатини ёрдамчи клиник текширишлар рентген суратлари оркали аникланади. Ташки ва ички факторлар натижасида тиш каторлари доим хам яхши ривожланмайди. Куп холларда уларнинг аномалиялари кузатилади. Тишларни, тиш каторларини зурикиш таъсири тиш каторлари бузилиши натижасида, ёки суякларнинг атроф тукимасининг дистрофияси натижасида уз жойини узгартириб туриши мумкин. Бунда тишлар нуксон томонга силжий бошлайди, карама-карши тиш булганда эса, вестибуляр ва вертикал томонга йуналади. |
| 9) Суякнинг тиш катакчларининг емирилиш даражасини аниклаш. | Стоматологик ойнача ва зонд. | Катакчалар суягининг (атрофия) емирилиш процесси кайтмасдир. Шунинг учун ортопедик давонинг асосий масаласи пародонтнинг холатига караб ечилади. Тиш катакчаларининг атрофияси рентгенологик текширувлар оркали аникланади. Асосан ойнача ва тугри, бурчакли зондлар юмшок тукималарини ажратиб туриши учун ишлатилади. Зондларнинг учи йуналтирилиб тиш чунтагига киргазилади ва канчалик киргазилгини тиш тож |



| | | |
|---|---|---|
| | | кисми билан таккосланади. Тишнинг илдиз кисми кириб турган альвеола (катакчалар) суягининг емирилиши (атрофияси) кучайган сари, парадонт тукимасининг, босимга чидамлилиги камайиб боради. Атрофия хар хил булганлиги учун унинг энг чукур жойи олинади. Олинган маълумотларни жадвал килиш мумкин, бунда тиш каторларини график тасвири вужудга келади, буни эса одонтопародонтограмма дейилади. |

**«ОДОНТОПАРОДОНТОГРАММА»**

N - Тишларда узгариш йук.

О – тиш йук.

1/4- даражали суяк тукимасининг ёйилиши

1/2 даражали суяк тукимасининг ёйилиши

3/4- даражали суяк тукимасининг ёйилиши

3/4- дан куп даражали суяк тукимасининг ёйилиши

- тиш ёки илдиз бор лекин олиб ташлаш керак.

Одонтопародонтограмма бемор бор пайтида тулдирилади.

Ёзув тартиб билан: аввал пастки жагнинг унг тарафдаги «8» тишдан бошлаб, чап томон пастки жагнинг «8» тишида тугатилади. Юкори жаг чап «8» тишидан бошлаб унг томонга караб «8» тишда ёзиш тугатилади.



**Одонтопародонтограмма пародонт тукимасини холатини аниклашга имкон беради.**

| | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 0 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 3/4 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1/2 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1/4 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | 8 | 7 | 6 | 5 | 3 | 2 | 1 | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | |
| 1/4 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1/2 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 3/4 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 0 | | | | | | | | | | | | | | | | |

Юкори ва пастки жаг тишларини узини катакчаларни тулдиргандан кейин таянч тишларнинг канчалик шикастланган эканлигини билиш учун хар битта тишнинг жадвалда сонларда белгиланади ва колган мустахкамлик холати ёзилади. Олинган маълумотлар оркали врач уз эътиборини хар битта жаг шикастланганлигига эътибор бериб ортопедик даво чораларини режасини тузади.

Тиш каторларининг иккиламчи нуксонларида ортопедик даволаниш асосан таянч тишларнинг парадонти тукимасининг физиологик захира кучидан фойдаланган холда тиш протезларини тайёрлашга асослангандир.

Парадонт тукимасининг физиологик захира кучлари кам, етарли даражада булмаганда (качонки тиш каторларининг катта бузилишлари булганда), тиш протезларини тайёрлашда таянч вазифасини альвеоляр усимталар ва каттик танглай утайди.

**«КУШИМЧА ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ»**

| | | |
|---|---|---|
| Рентгенологик текширувлар | Рентген сурати. Рентген кабинетига юбориш | Куприксимон протезларининг таянч тишларида катта пломба куйилган булса, тишнинг ранги узгарган булса, хатто имконияти йук булса хам рентгенография зарурдир. |
| Жаглардан текширув моделларни тайёрлаш | Резина кобача шпатель, тузли эритма, гипс, беморга олдиндан тайёрланган стандарт кошиклар. | Резина кобачага сув ва гипс солинади ва бир хил массага келгунча аралаштирилоади. Шпатель оркали секинлик билан гипс массасини кошикга солинади, шакллантирилиб огиз бушлигига киритилади. Агар колип юкорига жаг- |



| | | |
|---|---|---|
| | | дан олинадиган булса унда кошикни ушлаш куйидагича булади: бош бармок кошик туткичида булади, курсаткич ва урта бармок кошик охирида molярлар сохасида булади. Кошик киргазилгандан кейин орка тарафдан озгина босим берамиз, чунки гипс орка тарафдан чикмаслиги ва асфиксия булмаслиги учун шундай килинади. Вестибуляр тарафдан чиккан гипсни тугрилаш учун юмшок тукималарни чап кул билан олдинга пастга тортилади ва утув бурмалар хам шакллантирилади. Кошикни чап кул билан ушлаб унг кул билан чап тараф шаклланади. Кошик огиздан олингандан кейин текширилади, синган жойлари тугриланади ва 5 минут сувга солиб куйилади.<br>Шу билан бирга гипс корилади ва секинлик билан суюлтирилиб колипга куйилади, тукиллатиб хавоси чикарилади. Гипс озгина ёпишкок булиши билан столга куйилади ва айлантирилиб штапель билан четлари тугриланади. Бир соатдан кейин модель очилади. Диагностик моделларда биз тиш каторларининг шаклини, жипслашувини, жипслашув бузилишларини, танглай ва тил думбокларини бир-бирига тегиш даражалари ва холатини, аниклаймиз. Хамда пастки олдинги тишларни юкориги тишлар кай даражада ёпиб туришини курамиз. Протезлангандан кейин бу моделлар оркали канчалик яхши даволанганлигимизни назорат килиш мумкин. |

## Чизма: «КУПРИКСИМОН ПРОТЕЗЛАРНИ КУЛЛАШНИ АСОСЛАШ»

**КУРСАТМАЛАР**

- 2-3 тиш олинган чегараланган нуксонли тиш каторлари
- Нуксоннинг хажми ва жойлашувига ахамият берилади.
- Таянч тишларининг пародонт тукимасининг холати;
- Олдинги кисмда 4 та тиш йук булса хам 2 та козик тишларни пародонт тукимасининг мустахкамлиги хисобига протез куйиш мумкин.
- Карама-карши тишларнинг пародонт тукимасининг холатига каралади.
- Олдинги тишларнинг 1 таси йук булсада, нуксонли олинмайдиган консоль протезлар ёрдамида тиклаш мумкин.

**КАРШИ КУРСАТМАЛАР**

- Тиш каторларида 4-5 та олинган тиш ёки ундан куп нуксон булса (чегараланган)
- Таянч тишларнинг суяк катакчаларининг 1/2 ва ундан куп булган атрофиясида
- Кисман тиш йукотилганда прикуснинг деформацияси булганда
- Консоль протезларни премоляр ва моляр сохасида куллаш



## КУПРИКСИМОН ПРОТЕЗЛАР БИЛАН КОПЛАШДА ТАЯНЧ ТИШЛАРНИ ТАНЛАШ

**МЕЗОНЛАРИ**

Таянч тишларнинг пародонтнинг нормал холатида резерв куч колади, улар куприксимон протезларни куллашда тузилишларида ишлатилади. Шуларни хисоблаб, таянч тишларга тушадиган етарли (юкни) босимни аниклаган холда куприксимон копламалар кулланилади.

**ЖАДВАЛЛАР, ЧИЗМАЛАР**

Агапов буйича чайнов коэффицентининг самарадорлиги

| Тишлар | 1 2 3 4 5 6 7 | Хаммаси |
|---|---|---|
| Юкори жаг | 2 1 3 4 4 6 5 | 25 бирлик |
| Пастки жаг | | 25 бирлик |

Оксман буйича чайнов коэффицентининг самарадорлиги

| Тишлар | 1 2 3 4 5 6 7 8 | Хаммаси |
|---|---|---|
| Юкориги жаг | 2 1 2 3 3 6 5 3 | 25 бирлик |
| Пастки жаг | 1 1 2 3 3 6 5 4 | 25 бирлик |



## Чизма: «КУПРИКСИМОН КОПЛАМАЛАРНИНГ ТУРЛАРИ»

**КУПРИКСИМОН КОПЛАМАЛАР ТУРЛАРИ (ТУЗИЛИШИ)**

**Олиб куйиладиган**

- Фиксация усули буйича:
  - Телескопик махкамлаш
  - Илгаклар ёрдамида
  - Кулуф – калитли
- Тайёрланадиган хомашёсига караб:
  - Пластмассадан
  - Металлдан
  - Аралаш:
    - Металл + пластмасса
    - Металл + Чинни (фарфор) (Металлкерамик)

**Олиб куйилмайдиган**

- Тузилиши буйича:
  - Бир тарафлама таянчли (консоль)
  - Икки тарафлама таянчли (куприксимон)
- Фиксация усули буйича:
  - Копламалар ёрдамида
  - Ярим копламалар ёрдамида
  - Экваторли копламалар ёрдамида
  - Узаклар ёрдамида
  - Кистирмалар ёрдамида
- Ишлаб чикариш технологияси буйича:
  - Кавшарлаш йули билан
  - Тулик куйма йули билан



## Чизма: «КАВШАРЛАНГАН КУПРИКСИМОН ПРОТЕЗЛАРНИНГ КЛИНИК-ЛАБОРАТОР БОСКИЧЛАРИ

**КЛИНИК БОСКИЧЛАР**

- ТЕКШИРУВ
- ТИШНИ ЧАРХЛАШ
- КОЛИП ОЛИШ
- ЖАГЛАРНИ МАРКАЗИЙ МУНОСАБАТИНИ АНИКЛАШ
- ТАЯНЧ КОПЛАМАЛАРНИ УЛЧАБ КУРИШ
- ТАЯНЧ ТИШЛАРГА КИЙГИЗИЛГАН КОПЛАМАЛАР БИЛАН БИРГА КОЛИП ОЛИШ
- КОПЛАМАНИ ОГИЗ БУШЛИГИДА АНИКЛИГИНИ ТЕКШИРИШ ВА ТАЯНЧ ТИШЛАРГА ФОСФАТ-ЦЕМЕНТ ЁРДАМИДА КОТИРИШ.

**ЛАБОРАТОРИЯ БОСКИЧЛАР**

- ЯРИМКОПЛАМАЛАРНИ, КИСТИРМАЛАРНИ, УЗАКЛИ ТИШЛАРНИ ТАЯНЧ КИСМИНИ ТАЙЁРЛАШ.
- ПРОТЕЗЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ОХИРГИ ЛАБОРАТОРИЯ БОСКИЧИ

**Чизма: «ТУЛИК КУЙМА КУПРИКСИМОН ПРОТЕЗЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ КЛИНИКА ЛАБОРАТОР БОСКИЧЛАРИ».**

| КЛИНИК БОСКИЧЛАРИ | ЛАБОРАТОР БОСКИЧЛАРИ |
|---|---|
| ТЕКШИРИШ | КАТТИК ГИПСДАН ИЧКИ МОДЕЛЬ ТАЙЁРЛАШ |
| ТАЯНЧ ТИШЛАРНИ ЧАРХЛАШ | ТАЯНЧ ТИШЛАРГА БИР ТЕККИСДА ЛАК СУРИШ |
| ИШЧИ ВА ЁРДАМЧИ ЖАГЛАРДАН ИККИ КАВАТЛИ КОЛИП ОЛИШ ВА МОДЕЛЬ ТАЙЁРЛАШ | МОДЕЛНИ ДУБЛИКАТИНИ ТАЙЁРЛАШ |
| ТИШ КАТОРЛАРИНИ МАРКАЗИЙ МУНОСАБАТИНИ АНИКЛАШ | МАРКАЗИЙ ОККЛЮЗИЯНИ БИЛГАН ХОЛДА КУПРИКСИМОН ПРОТЕЗНИ МУМ ЁРДАМИДА ШАКЛЛАНТИРИШ |
| КУЙМА КУПРИКСИМОН КОПЛАМА КАНДАЙ ТАЙЁРЛАНГАНЛИГИНИ ОГИЗДА ТЕКШИРИШ ВА ТАКИБ КУРИШ | КУЙИШ НАЙЧАЛАР СИСТЕМАСИНИ ХОСИЛ КИЛИШ |
| ПРОТЕЗНИ КОТИРИШ | МУМ МОДЕЛЛИ ПРОТЕЗНИ МЕТАЛЛГА АЛМАШТИРИШ |
| | ПРОТЕЗГА ИШЛОВ БЕРИШ ВА ЯЛТИРАТИШ |



## УТИЛГАН МАВЗУНИ ТАЛАБАЛАР ТОМОНИДАН УЗЛАШТИРИШНИ НАЗОРАТ КИЛИШ ВА ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Тишларнинг кисман нуксонининг этиологияси ва патогенези.
2. Беморларнинг клиник текшириш кандай боскичлардан ташкил топган.
3. Врач бемор билан сухбатда нимага эътибор бериши керак ва касалини тарихини ёзишда кандай булимларни тулдириши лозим.
4. Ташки курув нималардан иборат.
5. Огиз бушлигини текшириш кандай утказилади (касаллик тарихини ёзиш).
6. Пародонт тукимасининг холатини текшириш учун кандай усуллар кулланилади.
7. Тиш каторларининг нуксонини таснифи (Кеннеди, Бетельман, Гаврилов буйича).
8. Одонтопародонтограмма ва уни тулдириш.
9. Куприксимон копламаларни турларини танлаш асослари ва ташхис куйиш.
10. Куприксимон копламаларни тайёрлашга булган курсатмалар.
11. Таянч тишлар танлаш ва уларни бахолаш.
12. Куприксимон копламаларни тайёрлашни клиник боскичлари (кавшарланган, куйма, аралаш).
13. Куприксимон коплмаларни тайёрлашни лаборатория боскичлари (кавшарланган,куйма ва аралаш).

## ВАЗИЯТ МАСАЛАЛАРИ.

1) Ортопедик стоматология клиникасига 36 ёшли бемор К. |1,6 тишлардаги огрик в кимирлашларга шикоят билан мурожаат килди. Бу тишлар куприксимон коплмалар учун таянч вазифасини бажариш керак. Сураб-суриштиришдан маълум буладики, бемор умуман соглом. |3.4 тишлар жарохат натижасида олинган. Етти йил аввал |2.5 таянч тишлар ёрдамида куприксимон коплмалар тайёрланган булиб, 4 йилдан сунг, уларнинг кимирлаб колиш натижасида олиб ташланган. Шундан сунг беморнинг каттий талаби билан |1.6 тишлар оралигига куприксимон коплама тайёрланган. Икки йил утар-утмас беморнинг олдинги тишларида кимирлаш сезила бошланган ва аста-секин кимирлаш кучая берган. Огиз бушлигида тишларни курилганда куйидагилар аникланилган: Тишлар холати

87654321 | 1678
87050321 | 1234568



Прикус ортогнатик, кесув тишлари бир-бирини чукур ёпиб турибди. |1-6 тишлар сохасида шиллик кават шишган ва кизарган. |1-6 тишлар сохасида куприксимон коплама таянч тишлар билан биргаликда харакат (кимирлаб колган). |1 тишнинг рентгенграммасида суяк катакчаларининг узунлиги буйича ¾ кисми ёйилиб (камайиб) кетган ва колган кисмларда переодонт тукимаси ёриги кенгайган. |6 тиш суяк тукимаси катакчалари узунлиги буйича ½ кисига ёйилган, яъни кискарган ва переодонт тукимасининг ёриги кенгайган. Тишларнинг кимирлаб колиш сабабларини айтиб беринг. Даволаш режангиз?

2) Ортопедик стоматология клиниксига 36 ёшли бемор Б. 1| тишининг тушиб кетишига ва косметик нуксонга шикоят билан мурожаат килди. Олдиндан бу тиш бир неча бор даволанган, илдиз учи резекция килинган. 2 йилдан кейин 1| тишнинг емирилиши натижасида тиш олиб ташланган. 2| тишнинг тож кисми ранги узгарган, тиш мустахкам. Уриб курилганда тиш огриксиз. Рентгентграммада переодонт тукимасида узгариш йук, илдиз канали охиргача яхши тулдирилган. |1 тиш соглом, мустахкам, уриб курилганда огриксиз. Даволаш режасини тузинг.

3) Ортопедик стоматология клиникасига 23 ёшли бемор А. Косметик нуксон ва овкат узиб олишнинг кийинлиги буйича шикоят билан мурожаат килди. Олдинги тишларнинг йуклигини жарохат билан боглайди. Тиш куриниши.

87654300 | 00345678
8765321 | 12345678

3|3 тишлар соглом, мустахкам ва уриб курилганда огриксиздир. Сизнинг ташхисингиз. Даволаш режангиз ва уни асослаш.

4) Ортопедик стоматология клиникасига 37 ёшлик бемор Х. Паст жаг тишларининг йуклиги ва овкат чайнашнинг кийинлигига шикоят билан



мурожаат килди. Жаг тишлар бундан 3 йил аввал кариес касаллиги асорати оркали олиб ташланган. Тиш куриниши

87654321 | 12345678
87654321 | 12340078

|4 тишнинг орка юзасида катта пломба булиб, тиш озгина кимирлаб колган. |2 тиш соглом. |7 тиш пломбаланган уриб курилганда озгина огрик бор. Тугри ортопедик даволаш учун кандай кушимча текшириш усулларини утказилиши керакдир.

## ТАЛАБАЛАРНИ МУСТАКИЛ ИШЛАШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР

1. Тиш каторларининг кисман нуксонларида, беморларни узига хос кандай клиник текширувлардан утказиш керак.
2. Куприксимон копламалар тайёрлашда таянч тишларни танлаш ва уларни асослаш.
3. Металлакерамик куприксимон копламалар тайёрлашнинг клиник-лаболратория боскичлари.
4. Тулик ,куйма ва аралаш кавшарлаш йули билан тайёрланадиган куприксимон коплмаларни тайёрлашнинг клиник-лаборатория боскичлари.

Олиб борилган машгулотлар натижасида **ТАЛАБА БИЛИШИ КЕРАК**: Тиш каторларининг кисман нуксонларини таснифини, уларни узига хос текшириш усулларини, клиникасини, куприксимон коплмаларни турларини куллашни асослаб беришларни билишлари керак. Турли хил тузилишга эга булган куприксимон коплмаларнинг клиник-лаборатория боскичларини кетма-кетликларини билишлари керак. Ана шу боскичларни мустакил равишда ёки ассистент ёрдамида **ТАЛАБА** бажара олиши керак.

## Адабиётлар.

1. Маърузалар материаллар
2. Таврисов Е.Ч. ва бошкалар "Ортопедик стоматология" Москва 1974 год.
3. В. Ю. Курляндский "Ортопедик стоматология" Москва 1974год.
4. М. Мирёкубов "Ортопедик стоматология" Тошкент 1993 год.
5. В. И. Копейкин "Тиш протезлаш техникаси" Москва 1980 год.
6. Е. И. Гаврилов ва Шербаков А. С. "Ордическая стоматология" Москва 1984 год.
7. В. И. Копейкин "Ортопедическая стоматология" Москва 1993год.
8. В. И. Копейкин "Руководство ортопедической стоматологии" Москва 1994 год.
9. Шербаков А. С, В.И. Грезубов ,Е. И. Гаврилов ва. Е.И.Жумилов "Ордическая стоматология" Москва 1997 год.
10. Е. И. Жумилов "Несъемные протезы" и "Теория клиника и лабороторня техники и новгород" 1998 год.
11. В. И. Копейкин "Руководство ортопедической стоматологии" Москва 1998 год.